

Date: 23rd June-2026

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аброржон Тожалиев

Риштон туман ИИБ катта инспектори

E-mail: AbrorjonTojaliyev0202@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада вояга етмаганларни сўроқ қилиш натижаларини процессуал расмийлаштиришнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф сўроқ баённомасини тузиш тартиби, унинг мазмунига қўйиладиган талаблар, овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш каби техник воситалардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда уларнинг исботлаш жараёнидаги аҳамиятини ёритган. Шунингдек, таржимон иштирокида сўроқ қилиш, вояга етмаган шахснинг кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш ҳуқуқи, баённомани имзолаш тартиби ва процессуал иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таҳлил қилинган. Мақолада вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, кўрсатувларнинг ҳаққонийлиги ва тергов ҳаракатларининг қонунийлигини кафолатлашга қаратилган процессуал механизмлар асослаб берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, сўроқ баённомаси, процессуал расмийлаштириш, овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш, таржимон, ҳимоячи, қонуний вакил, далиллар, тергов ҳаракати, ҳуқуқий кафолатлар.

Аннотация: В статье рассматриваются правовые и практические аспекты процессуального оформления результатов допроса несовершеннолетних в уголовном процессе. Анализируются порядок составления протокола допроса, требования к его содержанию, а также правовые основания применения технических средств фиксации, включая аудиозапись, видеозапись и киносъемку. Особое внимание уделяется участию переводчика, праву несовершеннолетнего давать показания собственноручно, процедуре подписания протокола и процессуальным правам и обязанностям участников. Обосновывается значение процессуальных механизмов, обеспечивающих достоверность показаний, законность следственных действий и защиту прав несовершеннолетних участников уголовного судопроизводства.

Ключевые слова: несовершеннолетние, протокол допроса, процессуальное оформление, аудиозапись, видеозапись, киносъемка, переводчик, защитник, законный представитель, доказательства, следственное действие, правовые гарантии.

Abstract: This article examines the legal and practical aspects of procedural documentation of juvenile interrogations in criminal proceedings. It analyzes the preparation of interrogation records, the requirements for their content, and the legal framework governing the use of technical recording means such as audio recording, video recording, and cinematographic recording. Particular attention is paid to the participation of interpreters, the juvenile's right to provide written statements personally, the procedure



Date: 23rd June-2026

for signing interrogation records, and the procedural rights and duties of participants. The article substantiates the importance of procedural safeguards aimed at ensuring the reliability of testimony, the legality of investigative actions, and the protection of the rights of minors involved in criminal proceedings.

Keywords: juveniles, interrogation record, procedural documentation, audio recording, video recording, cinematographic recording, interpreter, defense counsel, legal representative, evidence, investigative action, legal safeguards.

Сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида қайд қилинади. Сўроқ баённомаси - бу процессуал ҳужжат бўлиб, у сўроқнинг жараёни ва натижаларини акс эттиради. Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.

Сўроқ баённомасида қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

- баённомани терговчининг ўзи қайдқилиши керак, агар баённомани стенографист ёки машинкада ёзувчига қайд этиш топширилса, терговчи ёзилган матнни текширади ва тўғри ёзилганлигини назорат қилиб боради;

- сўроқ баённомаси тўлиқ ва объектив равишда сўроқ қилинувчи берган кўрсатувларини акс эттириши лозим. Зарур бўлса, савол ва уларга бўлган жавоблар ёзилади, кўрсатувлар шундай ёзилиши керакки, натижада сўроққилинувчи ҳақиқатдан ҳам унинг сўзидан туғри ёзилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак, оғзаки нутқнинг ёзма шакли унинг тўлиқ талаффузига, изохлаш шаклига, тилига тўғри бўлиши лозим;

- барча кўрсатувлар биринчи шахс номидан ва ҳар бир сўзи аниққайдқилиб ёзилиши керак. Аммо терговчининг сўроқ қилинувчининг барча сўзларини механик равишда тўлиқ ёзиши талаб қилинмайди, балки сўроқ предмети алоқадор ҳамма нарсалар тўлиқ акс эттирилади. Бу эса иш бўйича ката аҳамиятга эга;

- сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари аниқ ва тўлиқ ёзилиши, ҳар томонлама тўғри тушунилиб, тўғри изохлашга имконият бўлиши лозим. Агар ушбу кўрсатувларни бирор киши уқийдиган бўлса, у ҳам кўрсатувларни шу тарзда тушуниши кераклиги учун бу талабга риоя қилинади.

Кўрсатувлар сўроқ охирида, сўроқ жараёнида ёки алоҳида эпизодларга бўлиб ёзилиши мумкин (энг яхшиси, аввал сўроқни ўтказиб, кейин баённомага тушириш мақсадга мувофиқ).

Овоз ёзиш ва видеотасвирга олиш ускуналари сўроқни қайд қилишнинг қўшимча воситаларига мансуб. Улар кўрсатувларнинг тўлиқ қайд этилишини таъминлайди. Агар айбланувчи ўзини сўроқ қилишда ноҳақликка йўл қўйилган деб даъво қилса, овоз ёзиш ва видеотасвирга олиш тасмаси бундай асоссиз гапларни бартараф этади ва терговнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бундан ташқари, улар терговчининг маълум бир режа асосида сўроқ ўтказишини талаб



Date: 23rd June-2026



қилади, сўроқ қилнувчининг интизомини тартибга солади. Магнитофон ва видеотасма ёзуви кўрсатувларнинг мазмунидан ташқари, уларнинг эмоционал (рухий) шаклини аниқлашга ёрдам беради, яъни сўроқ қилинувчи қандай ахборот берган бўлса, бу ахборотни қандай имо-ишора билан гапирилганлиги яққол намоён бўлади.

Кўрсатувларни овозга ёзишни қуйидаги ҳолатларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- агарда сўроқ қилинувчилар вояга етмаган шахслар бўлса;
- алоҳида топшириқ бўйича сўроқ ўтказиш жараёнида;
- рухий касаллик аломатларига эга бўлган ёки шу касалликка гумон қилинган вояга етмаган шахсларни сўроқ қилганда. Бундай ёзувни эшитгач, рухшунос тиббиёт мутахассислари бу вояга етмаган шахснинг касал ёки соғлом эканлиги тўғрисида тегишли хулоса чиқаришади ва бу маълумот улар учун катта аҳамиятга эга;
- сўроқ жараёнида давлат тилини билмайдиган вояга етмаган шахслар сўроқ қилинганда (бу ёзув таржиманинг қанчалик тўғри қилинганини текширишга имкон беради ва айбланувчининг суддаги уйдирма гапларини, яъни таржимонсиз сўроқ қилинганлиги тўғрисидаги важларини бартараф этишга ёрдам беради);
- агар терговчи сўроқда қатнашмаган бўлса ва айниқса, ушбу иш бўйича тўлиқ ахборотга эга бўлиши лозим бўлса. Бунда овозни ёзиш ва видеотасвирга олиш зарурдир.

Видеоёзувнинг сўроқда қўлланилиши сўроқ шароитларини кўрсатиш учун (негаки, суд мажлиси сўроқнинг тўғри баҳоланиши учун бу тергов ҳаракати қандай шароитларда ўтганлиги тўғрисида объектив ахборотга эга бўлади), сўроқ жараёнида далилий ашёларни намоёйиш қилиш учун, сўроқ жараёнида таржимон иштирок этганда, қар ва сақов бўлган вояга етмаган шахсларнинг кўрсатувларини қайд қилганда, ходиса жойида сўроқ ўтказилганда лозим бўлади.

Баъзи ҳолларда сўроқ қилинувчи тегишли предметни тавсиф этиш ниятида уни коғозга чизиб кўрсатади, очиқ жойнинг схематик суратини чизади, предметларнинг ўзаро жойланишини кўрсатади, одамнинг ташқи қиёфасини суратда ифодалайди (агар у тўрида кўрсатув берган бўлса). Бундай моделлаштириш сўроқнинг тўлиқроқ бўлишига олиб келади. Чунки сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари янада аниқ ва уларнинг изоҳитўлиқ бўлади ҳамда модификациялашган ҳолда сўроқ қилинувчининг «ўз қўли билан ёзган» ахбороти сўроқбаённомасининг таркибий қисми бўлиб қолади.

Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади. Суриштирувчи ёки терговчи томонидан четлатилган, шунингдек вояга етмаган сўроқ қилинувчи жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Date: 23rd June-2026



Баённомада бундан ташқари, сўроқ қилинувчи томонидан аввалги сўроқларда берилган кўрсатувларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатув бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва ҳужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш ўтказилгани қайд қилинади. Фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади. (ЖПК 106-м.)

Бу эса кўрсатувлар рухий томондан сўроқ қилинувчини берган кўрсатувларидан бош тортишдан саклайди ва терговчига нисбатан уларни ўзгартиргани тўғрисида уйдирма чиқарилишига йўл бермайди.

Сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган овоз, видеоёзув ёки кинотасвир намоёиш қилиниши мумкин. Улар билан баённома ўртасида жиддий тафовут бўлган ҳолларда, тафовут сабабини аниқлаш учун янгитдан сўроқ қилиниши мумкин.

Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб, тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади.

Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги кўрсатувини унга оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларини эса, ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатувлар ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шунингдек сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларининг таржимасига имзо чекади.

Вояга етмаган шахсларнинг кўрсатувларини расмийлаштиришда уларнинг ёши ва мактаб тарбиясига тегишли маълумотларни ҳам келтириб ўтиш лозим. Баённоманинг иккинчи қисми сўроқ қилинувчи билан суҳбатлашиб бўлингандан кейин, жиноят ишига алоқадор фактларни маълум тизимда галма-галлиги ёзиб борилиши лозим.

Агар, сўроқ вақтида кўрсатув берувчига бирор далил, далилий ашё кўрсатилган бўлса, бу ҳол ва унга олинган тушунча баённомада кўрсатилиши лозим.

Қонун сўроқ қилинувчиларга кўрсатувларни ўз қўллари билан ёзиб бериш ҳуқуқини беради. Бунинг яхши томони шундан иборатки, кўрсатув берувчи воқеа-ҳодисаларни, айрим маълумотларни аниқроқ ёзиб бериш имконияти яратилади. Шунингдек, сўроқ қилинган шахс кўрсатув бергандан сўнг ўз қўли билан ёзган фактлардан бош тортиши ёки уларни ўзгартириши қийинроқдир.

Гувоҳ ёки айбланувчи кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб беришга розилик берса, аввал кўрсатувини тинглаб, кейин тўлдириладиган ва мавҳум

Date: 23rd June-2026

жойларини савол бериш орқали аниқлаб, сўнгра ёзиб беришга шароит туғдирилади. Кўрсатув ёзиб бўлингандан кейин баённомани кўрсатув берувчи ўқиб чиқиши ва ҳар бир саҳифасини алоҳида имзоси билан тасдиқлаши лозим.

Сўроқда қатнашган процессуал шахслар: прокурор, мутахассис, таржимон ва бошқалар кириш қисмида кўрсатилган бўлиб улар ҳам баённомага имзо чекадилар. Баённома сўроқ қилинган шахсга ўқиб берилади ёки ўзи танишиб чиқишига имкон яратилади.

Қўшимча ҳолатлар, тузатишлар ҳосил бўлиб қолса, баённоманинг охириги қисмига киритилиб, сўроқ иштирокчиларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилишда илмий-техник воситалари, жумладан, овоз ва тасвир ёзиш аппаратларидан фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда амалиётда сўроқ натижасини магнит тасмасига (CD, DVD) қайд қилишкенг қўлланилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, магнитофон тергов ҳаракатларини тўғри ташкил қилишга, уни қонуний ва объектив ўтказишга, кўрсатувни сифатли расмийлаштиришга ва терговчи меҳнатини енгиллаштиришга имкон яратади. Техник воситалардан фойдаланиш ҳақида ЖПК 91-моддасида кўрсатилган бўлиб, умумий процессуал тартиб асосида расмийлаштирилади.

Сўроқ натижаларини расмийлаштиришда фонограммалар сўроқбаённомасини тўлдирувчи восита бўлиб ҳисобланади. Магнит тасмасини далил манбаи сифатида ишлатиш учун, баённома тузиб расмийлаштирилади. Тасмада қаерда, ким томонидан, қай вақт, қандай иш бўйича ва ким сўроқ қилинганлиги кўрсатилади. Сўроқ натижаларини расмийлаштиришда овоз ва тасвир ёзиш услубини қўллаш сўроқ баённомасини тўлдирувчи восита бўлиб ҳисобланади.

Сўроқ жараёнида овоз ёзиб олишни қуйидаги тартибда олиб бориш мақсадга мувофи:

Терговчи овоз ёзиб олиниши тўғрисида сўроқ қилинувчиларга сўроқни бошлашдан олдин маълум қилади ва уни баённомада қайд қилади. Овознинг ёзиб олинишига сўроқ қилинувчининг розилиги талаб қилинмайди. Терговчи сўроқ қилинувчига овоз ёзишнинг нима учун кераклиги, унинг аҳамияти ва тартиби тўғрисида батафсил тушунтириб бермоғи лозим.

Фонограммада сўроқ қилиш муддати ва жойи кўрсатилади, шунингдек, сўроқ бошланган ва тамом бўлган вақт, сўроқ иштирокчиларининг исми, отасининг исми ва фамилияси ёзилади.

Фонограмма сўроқнинг айрим қисмларини эмас, балки бутун процессини акс эттириши керак. Сўроқ тугагач, овоз ёзиш тасмаси бошдан қайта қўйилади. Сўроқ қилинувчи эшитиб бўлгач, ҳақиқатдан ҳам тўғри эканлиги ҳақидаги баёнотига қўл қўяди. Агарда фонограммада тергов ҳаракати жараёнида тўғри кўрсатувлар олиш мақсадида бошқа тактик усуллардан фойдаланилган бўлса,



Date: 23rd June-2026

терговчи бу ҳақда тегишли хужжатда қайд қилиб қўяди.²⁷ Процесс иштирокчилари иш материаллари билан танишиб чиққанларидан сўнг фонограмма муҳрланиб, ишда сақланади.

Овоз ёзиш магнитофони қўлланилганда аввал фонограммани қайд қилиб, сўнгра баённомага ёзиб қўйиш керак. Чунки бир вақтнинг ўзида плёнкага ҳам, баённомага ҳам ёзиш анча қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари, кўрсатувларни ўқиб кейин фонограммани эшитиб бўлгач терговчи албатта уларнинг мазмунини яхши эслаб қолади ва уларнинг бири иккинчисини тўлдирганлигига ишонч ҳосил қилади. Овоз ёзиш билан бир қаторда тасвир ёзиш воситаси кўрсатув мазмунини бир мунча кенгайтиради ва қулайлик туғдиради.

Қонунга асосан қўлланилган аппаратларни ва видеофонограммаларни процессуал мустаҳкамлаш мақсадида уларни баённома қандай магнитофон, қандай тасвир ёзиш камерасида ёзилган, қачон ва қаерда қўлланилган, кимнинг овози ёзиб олинганлиги ҳақида қайд қилинмоғи лозим. Баённома терговчи ва сўроқ қилинган вояга етмаган шахс (қонуний вакил, адвокат) тамонидан имзоланади.

Юқорида таъкидланган процессуал расмийлаштиришни қуйидаги намуна мисолида куришимиз мумкин:

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш

БАЁННОМАСИ

_____ йил _____
(кун, ой)

_____ (худуд)

_____ (сўроқ қиливчининг мансаби, унвони ва Ф.И.Ш)

ушбу кун _____-сонли жиноят иши бўйича _____да, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-111-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда химоячи _____, қонуний вакил _____нинг иштирокида, _____гумон қилинувчини сўроқ қилдим.

Сўроқ бошланди: соат “____” “____” дақ.

Сўроқ тугалланди: соат “____” “____” дақ.

1	Ф.И.Ш.	
2	Туғилган куни, ойи ва йили	
3	Туғилган жойи	
4	Миллати	
5	Фуқаролиги	
6	Маълумоти, касби	

²⁷Криминалистик тактика. Дарслик. 2013 й.



Date: 23rd June-2026

7	Иш жойи, ўқиш жойи, лавозими	
8	Яшаш жойи	
9	Телефон рақами	
10	Шахсни тасдиқлашувчи хужжати	
11	Судланганлиги	
12	Харбий хизматга мажбурлиги	
13	Жабрланувчига алоқаси	
14	Гумон қилинувчига алоқаси	

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддаси (гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари).

Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекснинг 230-моддасииккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматида фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодекста назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар



Date: 23rd June-2026

ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Гумон қилинувчи: _____

имзо Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48 ва 360-моддаларига асосан гумон қилинувчи _____ га у, ЖКнинг _____-моддаси _____-қисми, “_____”бандида кўрсатилган жиноят содир этганликда гумонқилинаётганлиги эълон қилинди.

Гумон қилинувчи: _____

имзо Ф.И.Ш.

Савол:Қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайсиз ва таржимон хизматига мухтожмисиз?

Жавоб:Мен кўрсатувларимни ўзбек тилида беришни хоҳлайман. Таржимон хизматига мухтож эмасман.

Гумон қилинувчи: _____

имзо Ф.И.Ш.

Савол:Сизнинг кўрсатувларингиз (суриштирувчи)терговчи томонидан компьютер техника воситасида расмийлаштирилишига қарши эмасмисиз? Ёки ўз кўрсатувларингизни ўзингиз ёзиб беришни хоҳлайсизми?

Жавоб:Менинг кўрсатувларим терговчи томонидан компьютер техника воситаси ёрдамида расмийлаштирилишини хоҳлайман.

Гумон қилинувчи: _____

и

имзо

Ф.И.Ш.

Савол:Кўрсатувларингизни ўзбек тилининг қайси алифбосида, яъни лотин ёки кирилл алифбосида ёзиб борилишини хоҳлайсиз?

Жавоб:Менкўрсатувларимни ўзбек тилининг кирилл алифбосида ёзиб берилишини хоҳлайман.

Гумон қилинувчи: _____

имзо Ф.И.Ш.

Савол:Сиз химоячингиз билан холи учрашдингизми?

Жавоб: _____

Гумон қилинувчи: _____

имзо Ф.И.Ш.

Мен берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман, яъни

Date: 23rd June-2026



Савол: Сизга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан жисмоний ёки рухий тазйиқ ўтказилмадими?

Жавоб: _____

Савол: Сўроқ жараёнида Сизга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланишга имконият берилдими?

Жавоб: _____

Савол: Кўрсатувларингизга қўшимчаларингиз борми?

Жавоб: _____

Гумон қилинувчи: _____ (Ф.И.Ш.)
(имзо)

Қонуний вакил: _____ (Ф.И.Ш.)
(имзо)

Химоячи: _____ (Ф.И.Ш.)
(имзо)

Сўроқ қилдим: _____ (Ф.И.Ш.)
(имзо)